



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING**

**QARORI**

№ 02/18-2-2R-14

“04” март 2024 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарорига, “O’zbekgeofizika” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ягона акциядорининг 2023 йил 27 октябрдаги қарорига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан 2023 йил 16 июнда Р0456-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

– аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2023 йил 7 ноябрдаги 13-1889-сон ариза ва 2024 йил 19 январдаги 13-105-сон ариза;

- Жамият ягона акциядорининг 2023 йил 27 октябрдаги 172/09-3-qr-сон қарори нусхаси;

- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилиши қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни (3 нусха);

– тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2023 йил 16 июнда Р0456-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар чиқарилишларига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Жамиятнинг 2023 йил 16 июнда Р0456-12-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишларига асосан чиқарилган номинал қиймати 286 сўм бўлган жами 42 093 549 784 сўмлик

147 180 244 дона оддий акциялардан 310 000 262 сўмлик 1 083 917 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами 41 783 549 522 сўмлик 146 096 327 дона оддий акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорни тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Директорнинг биринчи  
ўринбосари



*[Handwritten signature]*  
В. Пак